

**МАМЛАКАТИМИЗ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ВА УНДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ
ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ****Рустамов Алишер Рахматалиевич**

Наманган муҳандислик-қурилиш институти стажёр-тадқиқотчи

E-mail: alisherrustamov2021@gmail.com

Tel: +998998287420

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси экспорт салоҳияти ва ундаги саноат маҳсулотларининг улушига оид сўнги йиллардаги кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Шунингдек, саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорт ҳажмини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: Саноат, саноат корхоналари, саноат ишлаб чиқариши, саноат маҳсулотлари, экспорт, қайта ишлаш.

Аннотация: В статье анализируются показатели экспортного потенциала Республики Узбекистан и удельного веса в нем промышленной продукции за последние годы. Также разра-ботаны рекомендации по увеличению объемов экспорта продукции промышленных предприятий.

Ключевые слова: Промышленность, промышленные предприятия, промышленное производство, промышленная продукция, экспорт, переработка.

Annotation: The article analyzes the indicators of the export potential of the Republic of Uzbekistan and the share of industrial products in it in recent years. Also, recommendations were developed to increase the volume of exports of products produced by industrial enterprises.

Key words: Industry, industrial enterprises, industrial production, industrial products, export, pro-cessing.

Кириш

Ҳозирда экспорт Ўзбекистон иқтисодиёти учун самарали ривожланиш манбаи саналади. Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва бошқа мамлакатларга сотиш – юртимизнинг янада тараққий топиши ва турмуш тарзининг ўсишидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Экспорт мамлакатимиз корхоналари ва компаниялари, унинг харидорлари ва умуман жамиятимиз ходимлари учун имтиёз манбаи ҳисобланади.

Ташқи бозорга чиқиш ишлаб чиқарувчилар учун янада рақобатдош маҳсулотлар ва хизматларни халқаро бозорларга чиқариш манбаи ҳисобланади. Шунингдек, рақобатчилар томонидан доимий босим бизда сармоя, инновация (янгилик) ва ишлаб чиқаришнинг ошишини рағбатлантиради. Шу сабабли экспорт фаолиятини ривожлантириш мамлакат иқтисодий тараққиётини ўсишига таъсир этувчи асосий омил деб ҳисоблашимиз мумкин.

Саноат корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш масаласи бугунги кундаги мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган долзарб вазифа эканлигига давлатимиз раҳбари томонидан ҳам алоҳида урғу берилиб, қўйидаги фикрларни таъкидлаб ўтилди: "... янги экспорт бозорларига чиқиш Ҳукуматнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоқи билан кенг қамровли ҳамкорлик бўйича ишларни фаоллаштириш лозим.

Келгуси йилда корхоналарга хомашё сотиб олиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 100 миллион доллар ажратилади.

Экспорт қилувчиларга чет элда савдо уйлари ва дўконлар очиш ҳамда реклама харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади.

Умуман, Ҳукуматга келгуси йилда товар ва хизматлар экспортини камида 20 фоизга ошириш вазифаси топширилади”.¹

Жаҳонда иқтисодий рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда барқарорликнинг асосий омили ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллашдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодиётда маҳаллийлаштириш ҳамда экспортни ташкил этишнинг ижтимоий, иқтисодий мазмуни ва ўзига хос жиҳатлари Э. Дюркгейм, М. Вебер, С. Вебра, Л. Пай, Е. Румянцева, Р. Нуреев каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш орқали экспорт фаолиятини самарали ташил қилиш масалалари узвий равишда Г. Саидова, Б. Ходиев, Ш. Шодмонов, У. Ғафуров, Х. Абулкасимов,


А. Бекмуродов, А. Ортиқов, А. Ваҳобов, Э. Махмудов, Б. Салимов каби иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқот давомида умумий илмий ва махсус тадқиқот усуллари: диалектика усуллари, иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш усули, қиёсий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган. Ушбу усуллар мақсад ва вазифаларга қараб, ўрганишнинг турли босқичларида ишлатилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш стратегияси диверсификацияланган ва рақобатбардош иқтисодиётни яратишга, инновацион технологиялар ва бозорни бошқаришнинг янги усулларидан фойдаланган ҳолда миллий ресурслардан максимал даражада фойдаланишга йўналтирилган. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти, хусусан ташқи савдо соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида экспорт фаолияти бўйича юқори кўрсаткичлар эришиш таъминланмоқда (1-расм).




1-расм. Ўзбекистон Республикаси экспорт ҳажми, млн. АҚШ долларида²

Статистик маълумотларга кўра 2020 йилда республика ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 15 127,7 млн. АҚШ долларида етди. Сўнгги ўн йиллик бўйича кўрсаткичларга эътибор берадиган бўлсак, мамлакатимиз экспорт ҳажми йиллик 12 млн. АҚШ долларида ортиқ бўлганини кузатишимиз мумкин.


¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

² <https://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланди.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси экспорт ҳажмининг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда³

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнги ўн йилликда мамлакатимиз экспорт ҳажмининг ўсиш суръати кўрсаткичларида барқарорлик кузатилмаган, яъни 2012, 2014, 2015, 2016 ва 2020 йилларда пасайиш кузатилган. 2020 йилдаги пасайиш кўрсаткичи (86,6%)ни 2019 йилда бошланган пандемия таъсири деб баҳоласак, аввалги йиллардаги пасайиш кўрсаткичларини соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат беришини айтиб ўтишимиз мумкин.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида саноат корхоналарининг сони, бирликда⁴

Юқоридаги расм маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, республика бўйича рўйхатга олинган саноат корхоналари сони сўнги саккиз йилликда мунтазам равишда ортиб бормоқда. Хусусан, 2021 йилда рўйхатга олинган саноат корхоналари сони 88 727 та бўлиб, 2020 йилга нисбатан 119,5% га ўсиш кузатилган. 2021 йилда рўйхатдан ўтган саноат корхоналарининг 94%и фаол ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси экспорт таркиби⁵

³ <https://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

⁴ <https://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)

	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Экспорт таркиби	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
озик-овқат маҳсулотлари	13,3	6,4	10,3	12,4	10,5	5,7	7,0	7,8	8,8	9,5
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	5,6	5,6	4,2	4,7	4,9	6,9	7,0	6,5	5,0	5,8
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	18,5	34,6	24	23	21,4	14,2	12,8	19,1	14,5	4,4
қора ва рангли металллар	7,4	7,8	6,7	7,2	6,6	5,9	7,3	8,4	7,2	8,2
машина ва асбоб-ускуналар	6,6	6,5	5,7	4	1,3	1,8	2,8	1,5	2,4	3,1

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнги ўн йил республика умумий экспорти таркибида саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган беш турдаги асосий маҳсулотлар юқори улушга эга бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бундай маҳсулотлар қаторида озиқ-овқат маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар, энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металллар, машина ва асбоб-ускуналарни киритишимиз мумкин.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Тадқиқот давомида ўрганилган материаллар ва маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз экспорт ҳажмининг ўсиш кўрсаткичларида барқарорлик кузатилмаган.

Республика экспорт фаолиятида саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг улуши юқори ҳисобланади. Бу улушни янада ошириш, экспорт таркибида тайёр маҳсулот ҳажмини кўпайтириш масаласи устувор вазифа сифатида сақланиб қолмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, республика бўйлаб рўйхатдан ўтган саноат корхоналари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда ва улар таркибидаги фаол корхоналар улуши доимий равишда юқориликка сақланиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг экспорт ҳажмини ошириш имконияти мавжудлигидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунга келиб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уларнинг экспортини кенгайтириш жуда муҳимдир. Бу бевосита мамлакат иқтисодиётини жаҳон бозорига чиқишига, турли соҳаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Мамлакатнинг, шунингдек саноат корхоналарининг экспорт стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш саноат маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Республикада экспорт фаолиятини ривожлантириш, хусусан саноат маҳсулотлари экспорт ҳажмини ошириш учун биринчи навбатда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

– саноат корхоналаридаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;

⁵ <https://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юқори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равишда, анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- янги ташкил этилган саноат корхоналари фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, имтиёзлар бериш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш;
- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилиги, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари бўйича меъёрий базани мустаҳкамлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Фармон (2017). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 2020 йил 29 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
3. Нуреев Р, (2014). Модернизация экономики: концепции и средства.
4. Махмудов Э, (2015). Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти.
5. Абулкасимов Х, (2012). Приоритеты реформирования и модернизатсии экономики Республики Узбекистан. –Т.: Молия.
6. <https://www.president.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.
7. <https://www.stat.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти.